

Ёмоннинг касофати фарзандига урадими?

15:35 / 24.05.2016 3563

Баъзи инсонлар бутун умри давомида ёмонлик қилиб ўтади, лекин баъзан уларнинг ўзлари ҳаётда жазоланишганини кўрмаймиз. Одамлар жазо унинг фарзандларига тегади, дейишади. Савол шуки, ёмон одамнинг касофати фарзандларига урадими ва бу қандай юз беради?

ЖАВОБ: Ёмон ишларнинг касофати фарзандга уриши ҳаётий тажрибадан келиб чиққан. Ўша ёмонлик қилиб юрган инсон аввало ўзига зарар қилади, қолаверса унга етаётган зарар яқин кишиларга, жумладан унга энг яқин бўлган фарзандларга уриши турган гап. Яъни, ўша ёмонлик қилиб юрган одамнинг ёмонлигидан фарзандлари зарар кўради. Зарар кўриши эса ҳар хил бўлиш мумкин. Мисол учун ароқхўр ароғини ичиб, топганини шу ҳаром нарсага сарфлаб юраверса, фарзандлари қаровсиз, таъминотсиз, нафақасиз қолади. Боласи ароқхўр отанинг мастлигида билиб-билмай қилган ишларидан зарар тортади, калтагини ейди, уятга қолади, тарбиясиз ўсади ва ҳоказо ва ҳоказо. Шунга ўхшаш бошқа номаъқулчиликларни қилганларнинг ҳам ана шу тарзда зарари фарзандларига, аёлларига, яқин кишиларига етади. “Бирники мингга, мингники туманга” деганларидай, ана шу ҳолат ёмоннинг касофати бошқаларга уришидир (Аллоҳ билувчидир).